

UDK: 346 (042)(575.1)  
ORCID: 0000-0003-3706-6882

## ТАДБИРКОРЛИК КОДЕКСИ ЛОЙИҲАСИНИНГ ИЛМИЙ ВА КОНЦЕПТУАЛ АСОСЛАРИ

**Рузиназаров Шухрат Нуралиевич,**  
“Бизнес ҳуқуқи” кафедраси профессори,  
юримдик фанлари доктори

**Аннотация.** Ушбу мақолада илк маротаба Ўзбекистон Республикаси Тадбиркорлик кодексини қабул қилишнинг аҳамияти, зарурияти, мақсади, ҳуқуқий тартибга солиш предмети ва тадбиркорлик соҳасида амалдаги махсус қонун ҳужжатлари тизимли таҳлил қилинган. Унда тадбиркорлик қонун ҳужжатларини тизимлаштиришнинг аҳамияти, зарурияти, рақамли тадбиркорликка оид қонунчиликни шакллантириш, виртуал майдондаги муносабатларни устувор ҳуқуқий тартибга солишни такомиллаштириш истиқболлари таҳлил этилган. Норматив-ҳуқуқий тизимда тадбиркорлик қонун ҳужжатларининг роли ва ўрнига алоҳида аҳамият берилиб, Президентнинг Тадбиркорлик кодексини қабул қилиш ҳақидаги ташаббусини рўйбга чиқаришда соҳада ақлли ҳуқуқий тартибга солишнинг мақбул қонунчилик моделини яратишнинг ҳуқуқий механизмлари очиб берилган. Тадбиркорлик муносабатларини ҳуқуқий тартибга солишга оид кодификациялаштириш ҳужжатини ишлаб чиқиш мураккаблиги сабабли унинг концептуал ҳуқуқий асосларини ишлаб чиқиш асосли тарзда ифода этилган. Амалдаги тадбиркорлик қонун ҳужжатларини хатловдан ўтказишнинг шакл ва усуллари, уни мақбуллаштиришнинг ташкилий-ҳуқуқий ечимлари тавсифланган. Энг муҳими, тадбиркорлик қонун ҳужжатларини кодификациялаштиришнинг нафақат бугунги ҳолати, балки рақамли реаллик шароитида уни ривожлантириш тенденцияларини инобатга олиб, ҳаққоний ҳуқуқий асосларини ифода этиб беришнинг илмий тасдиқлари баён этилган. Чуқур илмий ва амалий таҳлилга асосланган мақолада мамлакатимизда тадбиркорлик фаолиятини ҳуқуқий тартибга солишга оид норматив-ҳуқуқий тизим умумий тавсифланган. Унда қонун ҳужжатларини тизимлаштиришнинг замонавий тенденцияларини инобатга олиб, соҳага оид халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар таҳлилига алоҳида аҳамият берилиши лозимлиги тадқиқ этилгани диққатга сазовордир. Энг муҳими, Тадбиркорлик кодексини ишлаб чиқишда унинг Фуқаролик кодекси билан ўзаро нисбати қандай бўлиши кераклиги ҳақидаги масала бўйича илмий доктринал ёндашувлар ҳамда муаллифлик нуқтаи назарларнинг ҳар томонлама чуқур ечимларига оид хулосалар ишончли далил ва исботлар билан очиб берилган. Айниқса, хорижий давлатларнинг тадбиркорликка оид қонун ҳужжатлари, жумладан, Германиянинг рақамли бизнес норма ижодкорлиги тажрибасидан фойдаланиш зарурияти асослантирилган. Ушбу илмий мақолада тадбиркорлик соҳасида учраётган тизимли муаммоларни ташкилий-ҳуқуқий ҳал қилишнинг асослари илк маротаба тавсифлаб берилган. Тадбиркорлик кодексини ишлаб чиқишдаги мақсадли-муаммоли масалаларнинг илмий норма ижодкорлиги таҳлили ва устувор йўналишлари чуқур таҳлил этилгани ҳамда тадбиркорлик ҳуқуқи доктринаси нуқтаи назаридан унинг ғоятда аҳамиятли жиҳатлари очиб берилганини муаллифнинг узоқ йиллик илмий ва амалий тадқиқоти маҳсули сифатида баҳолаш мумкин. Шунингдек, унда айрим халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар моҳияти, хорижий давлатларнинг тадбиркорлик бўйича илғор қонунчилиги тажрибаси ҳамда тадбиркорлик соҳасидаги тизимли муаммоларни ташкилий-ҳуқуқий ҳал қилишнинг йўллари ёритиб берилган. Бундан ташқари, Тадбиркорлик кодексини ишлаб чиқишдаги мақсадли-муаммоли масалаларнинг илмий асослари ва норма ижодкорлигининг устувор йўналишлари ҳар томонлама чуқур ўрганилиб, асослантирилган хулоса ва таклифлар ишлаб чиқилди.

**Калит сўзлар:** миллий ҳуқуқий тизим, тадбиркорлик қонун ҳужжатлари, унификация, тизимлаштириш, Тадбиркорлик кодекси, рақамли ҳуқуқ, рақамли бизнес, тадбиркорлик фаолияти,

рақамли фуқаролик муомаласи, ҳуқуқий ҳимоя, ҳуқуқий тартибга солиш предмети, тадбиркорлик ҳуқуқий муносабатлари.

## НАУЧНО-КОНЦЕПТУАЛЬНЫЕ ОСНОВЫ ПРОЕКТА ПРЕДПРИНИМАТЕЛЬСКОГО КОДЕКСА

**Рузиназаров Шухрат Нуралиевич,**

доктор юридических наук,

профессор кафедры «Бизнес-право»

Ташкентского государственного юридического университета

**Аннотация.** В данной статье впервые анализируется значение, необходимость, цели и предмет правового регулирования Предпринимательского кодекса, охарактеризовано действующее законодательство в сфере предпринимательства. Аргументируется важность и необходимость систематизации законодательства о предпринимательстве, поэтапного формирования законодательства о цифровом предпринимательстве, перспективы совершенствования правового регулирования отношений в виртуальном пространстве. Особое внимание уделяется роли и месту предпринимательского законодательства в системе нормативно-правовой базы страны. Кроме того, раскрываются правовые механизмы создания оптимальной модели «умного» регулирования при реализации законодательной инициативы Президента о принятии Предпринимательского кодекса Республики Узбекистан. В связи со сложностью разработки кодификационного акта по правовому регулированию предпринимательских отношений рассматриваются его концептуальные основы с учетом современных цифровых реалий. Вместе с тем описаны формы и методы инвентаризации действующего законодательства о предпринимательстве и организационно-правовые решения по его оптимизации на основе требований нормотворческой деятельности. Следует отметить, что кодификация предпринимательского законодательства содержит научные утверждения для выражения разумной правовой основы с учетом не только сегодняшнего состояния, но и объективных тенденций ее развития в контексте цифровой реальности. В данной статье дается общая характеристика нормативно-правовой системы правового регулирования предпринимательской деятельности в нашей стране. Примечательно, что в статье детально исследуется необходимость уделения особого внимания анализу международно-правовых инструментов в данной области с учетом современных тенденций систематизации предпринимательского законодательства. Самое главное, обоснованы научные доктринальные подходы к вопросу о том, как новый Предпринимательский кодекс должен взаимодействовать с Гражданским кодексом Республики Узбекистан, даны фрагментарные научно-практические выводы по соотношению вышеуказанных кодифицированных актов в сфере частного права. В частности, при сравнительном ракурсе анализируется предпринимательское законодательство зарубежных стран. Делается вывод о необходимости использования немецкого опыта по правовому обеспечению цифрового бизнеса в процессе кодификации предпринимательского законодательства. В данной научной статье конкретно описаны пути организационно-правового решения нормотворческих проблем в сфере предпринимательства. Другим важным аспектом данной статьи является то, что в ней глубоко анализируется научные и нормативно-правовые основы в этой сфере, а также раскрывается существующая гипотеза с учетом современных методологической доктрины предпринимательского права. Кроме того, на основе изучения приоритетных направлений нормотворческих проблемно-целевых вопросов по разработке нового проекта Предпринимательского кодекса Республики Узбекистан аргументированы обоснованные выводы и предложения по концепции данного кодифицированного акта.

**Ключевые слова:** национальная правовая система, предпринимательское законодательство, унификация, систематизация, Предпринимательский кодекс, цифровые права, цифровой

бизнес, предпринимательская деятельность, цифровой гражданский оборот, правовая защита, предмет правового регулирования, предпринимательские правоотношения.

## SCIENTIFIC AND CONCEPTUAL ASPECTS OF THE DRAFT BUSINESS CODE

**Ruzinazarov Shukhrat Nuralievich**

Doctor of Law, Professor of the Department of Business Law  
Tashkent State Law University

**Abstract.** This article for the first time analyzes the meaning, necessity, purpose, subject of legal regulation of the Entrepreneurial Code and current legislation in the field of entrepreneurship. It analyzes the importance and necessity of systematization of legislation on entrepreneurship, the formation of legislation on digital entrepreneurship, and the prospects for improving the priority legal regulation of relations in the virtual space. Special attention is paid to the role and place of business legislation in the regulatory framework, as well as to the legal mechanisms for creating an optimal legislative model of intellectual legal regulation in the implementation of the President's initiative to adopt the Business Code. Due to the complexity of developing a codification document on the legal regulation of business relations, the development of its conceptual legal framework is clearly formulated. The forms and methods of registration of the current legislation on entrepreneurship and organizational and legal solutions for its optimization are described. Most importantly, the codification of business legislation contains scientific statements to express the true legal framework, taking into account not only the current situation, but also the trends of its development in the context of digital reality. The article, based on a deep scientific and practical analysis, provides a general description of the legal system of legal regulation of business activity in our country. It is noteworthy that the article examines the need to pay special attention to the analysis of international legal instruments in this area, taking into account modern trends in the systematization of legislation. Most importantly, the scientific doctrinal approaches to the question of how it should interact with the Civil Code in the development of the Business Code, and the conclusions on the comprehensive solutions of the author's views are revealed with convincing evidence and evidence. In particular, about the business legislation of foreign countries, including the need to use the experience of creating German state standards for digital business. This scientific article describes for the first time the basics of organizational and legal solutions to systemic problems in the field of entrepreneurship. Another important aspect of scientific analysis is an in-depth analysis of scientific norms and priorities in the development of the Business Code, as well as its essential aspects from the point of view of the doctrine of business law. It also reveals the essence of some international legal acts and ways of solving systemic problems in the field of entrepreneurship. In addition, on the basis of the study of the scientific foundations and priority areas of norm-setting problem-target issues for the development of the draft Entrepreneurial Code, substantiated conclusions and proposals are justified.

**Keywords:** national legal system, entrepreneurial legislation, unification, systematization, Entrepreneurial code, digital rights, digital business, entrepreneurial activity, digital civil circulation, legal protection, subject of legal regulation, entrepreneurial legal relationship.

### 1. Тадбиркорлик кодексини қабул қилишнинг долзарблиги, зарурияти ва асосланиши

Мамлакатимизда тадбиркорлик қонун ҳужжатларини кодификациялаштиришнинг ўрни беқиёсдир. Айниқса, тадбиркорлик фаолияти эркинлиги кафолатлари тизимининг тобора такомиллаштирили-

ши, миллий ҳуқуқий тизимда уни ривожлантиришга давлат сиёсати даражасида эътибор берилаётгани, ҳуқуқий тартибга солишнинг сифатини ошириш норма ижодкорлиги фаолиятида устувор йўналиш касб этаётгани соҳага оид норматив-ҳуқуқий базани тизимлаштиришнинг аҳамияти ва зарурияти янада ортаётганидан далолат

беради. Шу аснода тадбиркорликка оид қонун ҳужжатларини тизимлаштириш, унинг нормалари билан тартибга солинадиган ижтимоий муносабатларнинг барқарорлигини таъминлаш зарурати юзага келмоқда. Боз устига, рақамли тадбиркорлик фаолияти кенг тус олиши соҳага оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш жараёни сифатини ошириш, шунингдек, улар ижроси мониторингини такомиллаштиришда замонавий усул ва услубларни қўллашни тақозо этмоқда. Ҳар бир тадбиркорлик соҳасига оид қонун ҳужжатларини қабул қилишда ахборот-коммуникация технологияларини иноватга олиш, тадбиркорлик фаолияти субъектларининг рақамли реаллик шароитида иқтисодий майдонда нафақат реал, балки вертуал режимда фаолият юритишининг асосларини белгилаш зарурати келиб чиқмоқда [1].

Давлатимиз раҳбари Ш. Мирзиёев 2020 йилнинг 29 декабрида Олий Мажлисга Мурожаатномасида таъкидлаганидек, тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ 5 мингга яқин норматив-ҳуқуқий ҳужжат қайта кўриб чиқилиб, уларнинг сони қисқартирилади ҳамда Тадбиркорлик кодекси ишлаб чиқилади.

Бундай қонунчилик ташаббусига асосланган ҳуқуқий ирода ва объектив эҳтиёж ҳамда заруратдан келиб чиққан ҳолда тадбиркорлик фаолиятининг унификациялаштирилган қонунчилик асосларини яратиш бўйича норма ижодкорлиги фаолиятида рақамли бизнес ҳуқуқига оид “ақлли тартибга солиш” модели элементларини қўллаш истиқболли йўналишлар сирасига киради.

Мамлакатимизда Тадбиркорлик кодекси лойиҳаси илк маротаба ишлаб чиқилмоқда. Ушбу кодексни қабул қилишдан кўзланган мақсад Ўзбекистонда тадбиркорлик субъекти ва давлатнинг ўзаро муносабатига оид қонунчиликни ривожлантириш, жумладан, тадбиркорлик фаолиятини давлат томонидан тартибга солиш,

тадбиркорлик муносабатларини ҳуқуқий тартибга солишда зиддиятли нормаларни, ҳуқуқий бўшлиқларни бартараф этиш, эркин тадбиркорлик фаолиятига ҳуқуқий, иқтисодий ва ижтимоий шарт-шароитлар яратиш ва унинг кафолатланган ҳуқуқий механизмларини такомиллаштиришдан иборат.

Бу кодекс лойиҳасини ҳуқуқий тартибга солиш предмети тадбиркорлик субъекти ва давлатнинг ўзаро муносабати, жумладан, тадбиркорликни давлат томонидан тартибга солиш ва қўллаб-қувватлаш билан боғлиқ вужудга келадиган ижтимоий муносабатлар ҳисобланади.

Тадбиркорлик фаолиятига оид қонун ҳужжатларини тизимлаштириш жуда мураккаб масаладир. Тадбиркорлик фаолиятини ҳуқуқий тартибга солишда нафақат хусусий ҳуқуқий, балки оммавий ҳуқуқий тартибга солиш усул ва воситаларидан ақлли фойдаланилиши тақозо этилади. Яна бир муҳим жиҳат шундаки, соҳага оид норматив-ҳуқуқий массив жуда кенг ва хилма-хил бўлгани сабабли тизимлаштиришнинг қайси шаклидан фойдаланиш афзал эканини танлаш зарур. Тадбиркорлик кодексининг юқори юридик кучга эга нормаларини белгилашда концептуал ёндашувларни ишлаб чиқиш лозим. Тадбиркорлик фаолиятига оид қонуности ва идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ҳаддан ташқари кўплиги уни тизимлаштириш жараёнини янада мураккаблаштиради.

Бундай қонун ҳужжатларини хатловдан ўтказиш катта ижодий-амалий меҳнат талаб қилади. Айниқса, улар мамлакатимиз тарихий ривожининг ўтиш даврида қабул қилингани, умумий тусдаги ҳаракатсиз ва ҳуқуқни қўллаш амалиётига таъсир етмайдиган қонун ҳужжатларини қайта кўриб чиқиш зарурати идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар нормалари асослилигини ва мақсадга мувофиқлигини чуқур таҳлил этишни тақозо этади.

Асоссиз чекловлар, ортиқча маъмурий тартиб-таомиллар ва эскирган тартибга солиш механизмининг мавжудлиги нуқтаи назаридан чуқур ва ҳар томонлама мониторинг ўтказиш ҳам тизимлаштириш жараёнида норма ижодкорлиги учун мураккаб ва жуда муҳим вазифадир.

Тизимлаштириш жараёнида нафақат мавжуд норматив-ҳуқуқий базани, балки унинг замонавий ривожланиш тенденцияларини, хусусан, давлат-хусусий шериклик, чекланган шериклик, фуқароларнинг ўзини ўзи банд қилиши каби замонавий йўналишларга монанд ҳуқуқий тартибга солишнинг асосларини белгилаш ва унга оид устувор нормаларни мустаҳкамлаш зарур. Бундан ташқари, иқтисодий глобаллашув шароитида турли ҳуқуқий тизимдаги давлатларнинг тадбиркорлик қонун ҳужжатларини ўзаро яқинлаштириш тенденцияларини инобатга олиш ҳам талаб этилади. Энг муҳими, тадбиркорликка оид қонун ҳужжатларини тизимлаштириш концепциясини ишлаб чиқиш объектив эҳтиёж эканини чуқур мушоҳада этиш лозим. Мамлакатимизнинг халқаро рейтинг ва индексларда муносиб ўрин эгаллаши тадбиркорлик ривожини йўлидаги барча ғов ва тўсиқларни олиб ташлаш ва бу соҳага тўлиқ иқтисодий эркинлик беришга боғлиқ. Дунё амалиётидан маълумки, тадбиркорлик муносабатларида туб ислохотларни амалга оширмасдан туриб барқарор бозор муносабатларини шакллантириш ва ривожлантириш мумкин эмас. Энг муҳими, тадбиркорлик муносабатларининг қонунчилик асосларини яратишга устувор аҳамият бериш тараққиётнинг стратегик йўналишларига ҳам мос келади.

#### **Тадбиркорлик қонун ҳужжатларини кодификациялаштиришга оид тадқиқот натижалари**

Мамлакатимизда тадбиркорлик субъектлари фаолиятини тартибга солувчи қонун ҳужжатлари ўзининг ривожланиш тенденцияси жиҳатидан диалектик тусга

эга. 1991 йил 15 февралда қабул қилинган “Тадбиркорлик тўғрисида”ги қонун юрти-мизда тадбиркорлик фаолиятининг тамал тошини қўйди, десак муболаға бўлмайди. Кейинчалик бу соҳадаги қонунчилик такомиллаштирилиши асосида 1999 йил 14 апрелда “Тадбиркорлик ва тадбиркорлар фаолиятининг кафолатлари тўғрисида”ги қонун қабул қилинди. 2000 йил 25 майда “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги қонун кучга кирди. Улар тадбиркорликка кенг имкониятлар яратишнинг ҳуқуқий асосларини янада мустаҳкамлади.

Сўнгги йилларда яратилган норматив-ҳуқуқий тизим тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришда ишончли ҳуқуқий пойдевор вазифасини ўтамоқда. Фуқаролик кодекси, Ер кодекси, Солиқ кодекси, Божхона кодекси, Иқтисодий процессуал кодекс ва бошқа қонун ҳужжатлари шулар жумласидан. Шунингдек, “Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги (2012), “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги (янги таҳрирда, 2012), “Тадбиркорлик фаолияти соҳасида рухсат бериш тартиб-таомиллари тўғрисида”ги (2012), “Рақобат тўғрисида”ги (2012), “Оилавий тадбиркорлик тўғрисида”ги (2012), “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги (2014), “Электрон ҳукумат тўғрисида”ги (2015), “Электрон тижорат тўғрисида”ги (2015), “Электрон тўловлар тўғрисида”ги (2005), “Электрон рақамли имзо тўғрисида”ги (2003), “Давлат-хусусий шериклик тўғрисида”ги, “Инвестиция ва инвестиция фаолияти тўғрисидаги”ги қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди.

Айниқса, 2012 йилда янги таҳрирда қабул қилинган “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги қонунда фуқароларнинг тадбиркорлик фаолиятида эркин иштирок этиши учун

барча асосий кафолат ва ҳуқуқий ҳимоя тизими мустаҳкамлаб қўйилди. Қонуннинг 11-моддасида тадбиркорлик фаолияти субъекти ҳуқуқининг устуворлиги принципи белгиланди. Унга кўра, тадбиркорлик фаолияти субъектларининг давлат органлари, шу жумладан, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат қилувчи органлар, шунингдек, банклар билан ўзаро муносабатларида тадбиркорлик фаолияти субъекти ҳуқуқларининг устуворлиги принципи амал қилиб, унга мувофиқ, қонун ҳужжатларида тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ ҳолда юзага келадиган барча бартараф этиб бўлмайдиган зиддиятлар ва ноаниқликлар тадбиркорлик субъектининг фойдасига талқин этилади.

Шу билан бирга, “Оилавий тадбиркорлик тўғрисида”ги қонунда “Оилавий тадбиркорлик оила аъзолари томонидан таваккал қилиб ва ўз мулкӣ жавобгарлиги остида даромад (фойда) олиш мақсадида амалга ошириладиган ташаббускорлик фаолиятидир”, деб белгилаб қўйилди. Қонуннинг 4, 26-моддалари мазмунидан келиб чиқиб, оилавий тадбиркорлик субъектлари кичик тадбиркорлик субъектлари учун қонун ҳужжатларида назарда тутилган имтиёзлар, преференциялар ва кафолатлардан фойдаланадилар.

Президентнинг 2020 йил 23 июндаги “Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикасининг Миллий стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги фармонида 5 та янги кодекс, жумладан, Тадбиркорлик кодекси лойиҳасини ишлаб чиқиш кўзда тутилган. Унда тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги қонун ҳужжатларини тўлиқ кодификация қилиш, миллий иқтисодиётнинг бозор муносабатларига ўтишини ҳисобга олган ҳолда тадбиркорлик фаолиятини монополияга қарши тартибга солишни тубдан қайта кўриб чиқиш, Ўзбекистон Республикасида тадбиркорлик эркинлигини таъминлайдиган ҳуқуқий, иқтисодий ва ижтимоий шарт-шароитлар ва кафолат-

лар, тадбиркорлик субъектлари ва давлат ўртасида ўзаро муносабатлар билан юзага келадиган жамоатчилик муносабатларини тартибга солиш, тадбиркорлик эркинлиги, инсоннинг иқтисодий ҳуқуқ ва эркинликлари соҳасидаги халқаро стандартларни ҳисобга олган ҳолда ишбилармонлик муҳитини яхшилаш, тадбиркорлик субъектлари фаолиятига аралашганлик, тадбиркорлик субъектлари фаолиятини чеклаш ёки тўхтатиб туриш, уларга зарар етказишга қаратилган ноқонуний ва асоссиз ҳаракатлар (ҳаракатсизлик) содир этганлик учун мансabdор шахсларнинг жавобгарлигини кучайтириш, тадбиркорлик ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини янада ҳимоя қилиш масалаларида жамоатчилик назорати механизмларини жорий этишни таъминлашга оид масалалар ўз ифодасини топишга алоҳида эътибор берилган.

Рақамли иқтисодиётни шакллантириш шароитида тадбиркорлик қонун ҳужжатлари ҳолати ва тенденциясини ўрганиш катта аҳамиятга эга. Рақамли иқтисодиёт бизнес соҳасидаги қонун ҳужжатларини ягона тизимга келтириш ва такомиллаштиришга сезиларли таъсир кўрсатади. Рақамли ҳуқуқий траектория нафақат халқаро миқёсда, балки алоҳида давлатда ҳам кенгайиб бормоқда.

Тадбиркорлик фаолиятига оид халқаро ҳужжатлар ва Германия қонунчилигининг оқилона рақамли таҳлили.

Инсон ҳуқуқлари нуқтаи назаридан тадбиркорлик фаолиятининг дастуриламал тамойилларини “ҳуқуқий ҳимояни муҳофаза қилиш, унга риоя этиш ва унинг воситаларига” нисбатан амалга ошириш 2011 йил 16 июнда БМТнинг 17/4-резолюцияси билан маъқулланган. Мазкур ҳужжатнинг 9-бандига кўра, давлатлар тадбиркорлик билан боғлиқ, масалан, инвестициявий битимлар ёки контрактлар доирасида сиёсий мақсадларга эришиш жараёнида ўзларининг ҳуқуқни ҳимоя қилиш мажбуриятларига риоя этиш учун бошқа давлатлар ёки

корхоналар билан муносабатларда ички сиёсат соҳасида иш кўришнинг зарур эркинлигини сақлаб қолишлари лозим. Корхоналар уларга ноқулай таъсир кўрсатилаётганини аниқлаганларида, улар етказилган зарарни қонуний жараёнлар доирасида қоплашлари ёки зарарни қоплаш мақсадларида ҳамкорлик қилишлари керак.

Давлатлар тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ инсон ҳуқуқлари бузилишидан суд, маъмурий, қонунчилик ва бошқа тегишли воситалар орқали ҳимоя қилишдан иборат ўз мажбуриятлари доирасида бундай бузилишлар ҳудудларида ва /ёки юрисдикциялари чегарасида рўй бериши ҳолатларида тегишли томонлар ҳуқуқий ҳимоянинг самарали воситаларидан фойдаланиш имкониятига эга бўлишларини таъминлаш учун зарур чораларни кўришлари керак.

Ўзбекистон Президенти Ш. Мирзиёев таъкидлаганидек, иқтисодиётнинг барча соҳаларини рақамли технологиялар асосида янгилашни назарда тутадиган рақамли иқтисодиёт миллий концепциясини ишлаб чиқишимиз керак. Шу асосда “Рақамли Ўзбекистон – 2030” дастурини ҳаётга татбиқ этишимиз зарур [2]. Рақамли иқтисодиёт шароитида тадбиркорлик фаолиятини ҳуқуқий тартибга солиш юриспруденция соҳасидаги асосий институтлардан бири ҳисобланади. Бугунги кунда рақамли бизнес объектив воқеликдир [3]. Илмий изланишларнинг йўналишларидан бири иқтисодиётни, бошқарув ва ҳуқуқни рақамлаштириш таъсири остида давлат-ҳуқуқий соҳада пайдо бўлган ва юзага келадиган янги ҳодисалар ва жараёнларни доктринал ўзлаштиришдан иборат [4].

Етакчи хорижий давлатлар, хусусан, Германияда рақамли иқтисодиёт тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ҳуқуқий тизимнинг истиқболли ва устувор йўналишлари сирасига киради. ГФР юқори даражада ривожланган индустриал-технологик мам-

лакат, иқтисодиётнинг бир қатор саноат ва технологик тармоқларида жаҳон етакчиси ҳисобланиб, товарлар экспорти бўйича дунёда 4-ўринда ва хомашё импортида 5-ўринда туради. 2018 йилда ялпи ички маҳсулот умумий ҳажми бўйича Германия (деярли 3,3 триллион евро) учинчи ўринни ва харид қобилиятининг тенг қиймати жиҳатидан ялпи ички маҳсулот ҳажми бўйича бешинчи ўринни эгаллади [5].

Германия бизнес (тадбиркорлик) юртиш хусусиятлари жиҳатидан бошқа мамлакатлардан сезиларли даражада фарқ қилади. Аввало, ушбу мамлакатда бизнесини (хусусий ишини) очмоқчи ва ривожлантирмоқчи бўлган янги тадбиркорларга энг кўп қулайлик режими яратилмоқда, корхонани ташкил этиш учун зарур ҳужжатларни олиш қатъий тартибга солинган. Интернетдаги турли сайтлар ёрдамида ёки турли давлат ташкилотлари қабулига олдидан ёзилиш орқали буни амалга ошириш мумкин. Фақатгина Фуқаролик тузукларида (“Bürgerliches Gesetzbuch, BGB”, § 312b ва кей. BGB) эмас, балки бир қатор бошқа қонунларда ҳам (масалан, “Инсофсиз рақобатга қарши курашиш тўғрисида”-ги қонунда (“Gesetz gegen den unlauteren Wettbewerb, UWG”), “Коммуникация техник воситалари тўғрисида”ги қонунда (“Telemediengesetz, TMG”) ва Фуқаролик тузукларининг кириш қонунида (“Einführungsgesetz zum Bürgerlichen Gesetzbuch, EG BGB”) мавжуд электрон тижорат қоидалари муайян даражада Европа нормаларига асосланган. Шу сабабли Европа Иттифоқи даражасида қоидаларни уйғунлаштириш немис электрон тижорат қоидалари учун жуда муҳимдир. Европа нормаларига немис қонун ҳужжатларида татбиқ этилган қуйидаги ЕИ директивалари (кўрсатмалари) киради: 1997 йил 20 майдаги дистанцион (масофавий) йўл билан тузилган шартномаларга нисбатан истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги 97/7/ЕИ директиваси ва 2002 йил 23 сен-

тябрдаги истеъмолчилар учун масофавий молиявий хизматлар ҳақидаги 2002/65/ЕИ директиваси. Ўтмишда ЕИнинг кўп-лаб директивалари аъзо давлатлар қоидаларининг фақат минимал келишувини (“Mindestharmonisierung”) белгилаб қўйган бўлса-да, баъзи янги директивалар тўлиқ келишувни (“Vollharmonisierung”) белгилайди. Шу сабабли 2014 йил 13 июнда Европа истеъмолчилар ҳуқуқлари директивасини (2011/83/ЕС директиваси) амалга ошириш учун Германияда янги электрон тижорат қоидалари кучга кирди. Директиванинг мақсади Европа Иттифоқига аъзо давлатларда қонун ҳужжатларини тўлиқ уйғунлаштиришга эришиш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш даражасини оширишдан иборат. Ушбу директивага киритилган қоидалар энди Европа Иттифоқига аъзо барча давлатларда бир хил. 2011/83/ЕИ директиваси асосида, хусусан:

масофавий сотиш соҳасида пулли хизматлар ёки товарларни сотиш шартномалари билан чекланган (“engeltliche Leistungen”) рақамли контент учун янги махсус қоидалар жорий этилди (“digitale Inhalte”);

истеъмолчиларни яширин харажатлардан ҳимоя қилиш кенгайтирилди (“versteckte Kosten”);

энди истеъмолчи шартномани бекор қилишни телефон орқали ҳам билдириши мумкин.

Муайян ахборотни тақдим этиш мажбуриятини ўз ичига олган янги қоидалар киритилди. Масалан, рақамли контент ҳақида маълумот бериш (масалан, дастурий таъминот, мобил иловалар ва электрон китоблар) бўйича масъулият учун мутлақо янги махсус талаблар жорий этилди. Тадбиркор энди рақамли контентнинг амал қилиш принципи, шу жумладан, тегишли техник ҳимоя чоралари ҳақида маълумот бериши зарур [6]. Бундан ташқари, истеъмолчига тақдим этилган контентдан қандай фойдаланишни кузатиш мумкинлиги

(tracking) ва рақамли контентнинг мувофиқлиги бўйича чекловлар мавжудлиги ҳақида маълумот берилиши керак [7].

Рақамлаштириш кўлами нафақат амалдаги қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, балки ривожланган хорижий мамлакатларнинг “рақамли” қонун ҳужжатларини ҳуқуқий тартибга солиш тенденциясини ҳисобга олган ҳолда янги махсус норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилиш билан ҳам боғлиқ. Шу нуқтаи назардан Германиянинг ноёб ва ижобий тажрибасини ҳисобга олиш мақсадга мувофиқдир.

Хорижий мамлакатлар тажрибаси кўрсатмоқдаки, рақамли иқтисодиёт билан боғлиқ муносабатлар турли норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан тартибга солинади. Ўзбекистон Республикасида рақамли технологиялар билан боғлиқ муносабатларни махсус ҳуқуқий тартибга солишнинг зарурияти вужудга келмоқда. Шу боис, ушбу соҳадаги қонун ҳужжатларини замонавий глобал чақириқлар ва талабларни ҳисобга олган ҳолда унификация қилиш зарур.

Энг аввало, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексида рақамли ҳуқуққа оид махсус нормаларни белгилаш керак. Биринчидан, фуқаролик ҳуқуқий муносабатлар объекти сифатида рақамли ҳуқуқни мустаҳкамлаш лозим. Қонун ҳужжатларига мувофиқ, мажбурият ва бошқа ҳуқуқлар рақамли ҳуқуқлар деб эътироф этилади. Шу муносабат билан бундай ҳуқуқларни амалга ошириш шартлари ва мазмуни ахборот тизимининг қоидалари билан белгиланиши керак, бу эса, ўз навбатида, қонун талабларига мувофиқ бўлиши керак. Қонунда рақамли ҳуқуқларнинг тугал рўйхатини ифодалаш зарур. Бундай ёндашув қонун нормасини амалда тўғри қўллаш имконини беради. Иккинчидан, Фуқаролик кодексида электрон шаклда амалга ошириладиган битимларнинг ёзма шаклига риоя этилиши ҳам назарда ту-

тилиши зарур. Ушбу ҳуқуқий норманинг моҳияти шундаки, битимнинг ёзма шакллари мувофиқ, агар битим электрон ёки бошқа техник воситалар ёрдамида амалга оширилса, ушбу битим мазмунини моддий ташувчига ўзгармаган шаклда етказиш имконини беради. Шу билан бирга, имзо бўлиши талаби, ўзининг эрк-хоҳишини ифода этган шахсни ишончли аниқлаш имконини берадиган ҳар қандай усулдан фойдаланилганда ҳам бажарилган ҳисобланади. Томонлар ишончли идентификация қилиш усули бўйича талабларни тақдим этишга ҳақли.

Бундан ташқари, “Рақамли иқтисодиёт ва блокчейн технологиялар тўғрисида”ги янги қонун лойиҳасида рақамли иқтисодиётни ҳуқуқий тартибга солишнинг асосий тушунчалари ва тамойилларини, рақамли фуқаролик муомаласида асосий фаолият турларини амалга ошириш, иштирокчиларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини батафсил белгилаш зарур. Шу билан бирга, ушбу қонун лойиҳасида ҳуқуқий муносабатларнинг турлари ва объектлари, уларнинг вужудга келиши билан боғлиқ юридик фактлар, рақамли фуқаролик муомаласи соҳасидаги ҳуқуқий муносабатлар субъектлари жавобгарлигининг турлари ва уни амалга ошириш механизмлари, шунингдек, рақамли бозор субъектларини рағбатлантириш учун махсус ҳуқуқий режимларни қўллашнинг юридик воситаси ва рақамли маълумотлар масалалари ва бошқалар назарда тутилиши мақсадга мувофиқ.

Қонун ҳужжатларини унификациялаш (бирхиллаштириш) мақсадида кодекслаштириш нафақат миллий қонунчилик тизими нуқтаи назаридан, балки хорижий давлат тажрибаси бўйича ҳам ғоят долзарб масаладир. Илғор хорижий давлатлар тажрибасини ўрганишга асосан бундай тизимлаштириш усули қадимий англо-саксон ва романо-герман ҳуқуқий тизимида ҳам учрайди. Тадбиркорлик (савдо-тижорат)ни ҳуқуқий тартибга со-

лишни кодификациялаштириш тажрибаси АҚШ, Европа ва Осиёнинг айрим давлатларида самарали қўлланилиб келинмоқда. Хусусан, АҚШда 1952 йилда қабул қилинган бирхиллаштирилган Тижорат кодекси, Францияда 2000 йилда (қонунчилик қисми) ва 2007 йилда (тартибга солувчи регламентор қисмлари) қабул қилинган Тижорат кодекси, Германияда 1897 йилда қабул қилинган Савдо қонунчилик тўплами, Испанияда 1885 йилда қабул қилинган Савдо кодекси, Корея Республикасида 2012 йилда қабул қилинган Тижорат қонуни, Украинада 2003 йилдаги Хўжалик кодекси, Қозоғистон Республикасида 2004 йил қабул қилинган Тадбиркорлик кодексини мисол сифатида келтириш мумкин [8]. Бу борада устувор аҳамиятга эга бўлган қонунчилик ривожини соҳада тизимли равишда амалга оширилган қонун ижодкорлиги фаолиятининг маҳсули, десак асло муболаға бўлмайди.

Бозор иқтисодиётига асосланган бир қатор давлатларда тадбиркорлик, хўжалик ва савдо кодекслари ҳам қабул қилинган. Бундай давлатлар сирасига Австрия, Аргентина, Бельгия, Болгария, Боливия, Бразилия, Венесуэла, Германия, Греция, Миср, Испания, Қозоғистон, Корея Республикаси, Колумбия, Қувайт, Люксембург, Мексика, Панама, Перу, Руминия, Польша, Словения, АҚШ, Исроил, Уругвай, Франция, Чехия, Чили, Эстония, Япония ва бошқалар қиради [9].

Баъзи хорижий давлатларда иқтисодий соҳада қонун ҳужжатларини кодификациялаштиришнинг янги авлоди – Иқтисодий кодекс қабул қилингани эътиборга моликдир. 2013-2014 йилларда Бельгияда қабул қилинган Иқтисодий кодекс 18 бўлимдан иборат. Иқтисодий кодекс иқтисодий ҳуқуқнинг турли жиҳатларини, хусусан, оммавий ва хусусий ҳуқуқий муносабатларни тартибга солади. Бу ҳужжат амалдаги 1807 йилдаги Савдо кодексини тўлдирди [10]. Бундай қонунчилик амалиётини

тадбиркорлик қонунчилигини тизимлаштиришда инобатга олиш мумкин. Энг муҳими, халқаро иқтисодий глобаллашув шароитида турли ҳуқуқий тизимдаги давлатларнинг тадбиркорликка оид нормаларининг интеграциялашуви иқтисодий муносабатларни оқилона тартибга солишга ёрдам беради. Бундай норматив-ҳуқуқий интеграция ҳар бир давлатнинг тадбиркорлик фаолиятини ҳуқуқий таъминлашга оид ўзига хос хусусиятларини назарда тутишни тақозо этади.

Тадбиркорлик қонун ҳужжатларини кодификациялаштиришда ақлли тартибга солиш методларини қўллашда таъсирни баҳолаш омиллари ва унинг асосий такомиллаштириш йўналишлари:

- тадбиркорлик субъектларнинг мулкӣ ҳуқуқ дахлсизлиги, айниқса, кўчмас мулкка нисбатан улар ҳуқуқлари кафолатларини рўёбга чиқаришдаги ғов ва тўсиқларни бартараф этиш;

- тадбиркорлик субъектлари интеллектуал мулк ҳуқуқини амалга оширишнинг қониқарсизлиги, хусусан, инновацион рақамли технологияларни қўллаш механизмларининг ишлаб чиқилмагани;

- тадбиркорлик субъектлари мол-мулкни ишончли бошқарувга бериш ҳуқуқий механизмларни амалиётда қўллашнинг суствлиги;

- тадбиркорлик фаолияти мулкӣ хавфсизлигининг рақамли киберхавфсизлик бўйича ҳуқуқий механизмни янги кодекс лойиҳасида ифода этиш зарурати мавжудлиги;

- тадбиркорлик фаолиятида коррупциянинг олдини олишга оид фуқаролик ҳуқуқий воситаларини татбиқ этиш самардорлигини оширишга оид нормаларни ишлаб чиқиш лозимлиги;

- тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқий ҳимоя тизимини янада такомиллаштириш, айниқса, халқаро тижорат судларида ҳимоя қилиш бўйича комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқиш;

- тугатилаётган тадбиркорлик субъектлари фаолиятининг тизимли мониторингини юритиш бўйича аниқ ташкилий-ҳуқуқий механизмларни ишлаб чиқиш;

- тадбиркорлик субъектлари ва давлат ўзаро муносабатларининг маъмурий тартиб-таомилларини соддалаштириш ва рақамли бизнес юритишга оид ҳуқуқий асосларни ишлаб чиқиш;

- тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш тартиботларини янада соддалаштириш, айниқса, вақт, иқтисодий тежамкорлик, устав капиталини энг кам миқдорда мақбуллаштиришни ҳал қилиш;

- тадбиркорлик фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий шаклларида ишловчилар сонини белгилашда қонунчиликдаги императив қоидадан воз кечиб, ҳар бир тадбиркорлик субъекти ўзлари мустақил белгилашга оид нормаларни (диспозитив) назарда тутиш;

- тадбиркорлик субъектларига қурилиш учун ер ажратиб бериш ва ундан оқилона фойдаланиш соҳасини оқилона ҳуқуқий тартибга солишнинг кафолатлари ва фойдаланилмаётган объектларни инвентаризациядан ўтказиш, архитектура ва шаҳарсозлик қоидаларига риоя этилишининг механизмларини такомиллаштириш;

- рақамли бозорда миллий тадбиркорлик субъектлари ва хорижий компаниялар рақобатбардошлигини оширишнинг ҳуқуқий механизмларини такомиллаштириш;

- қишлоқ тадбиркорлигини ҳуқуқий тартибга солиш ва ижтимоий тадбиркорликни хизмат кўрсатиш соҳасида давлат томонидан тартибга солишнинг махсус “йўл хариталари”ни ишлаб чиқиш ва уни рўёбга чиқаришнинг кафолатларини яратиш;

- рақамли фуқаролик муомаласини шакллантиришда тадбиркорларнинг иқтисодий ва ҳуқуқий маданияти ва амалий иш кўникмаларини ривожлантириш, хорижий давлатларнинг рақамли ва инно-

вацион тадбиркорлик фаолиятига оид тажрибасини мақсадли ўрганиш натижалари бўйича минтақа ва ҳудудлар кесимида махсус чора-тадбирларни белгилаш;

- тадбиркорлик соҳасида савдо муносабатларини, венчур инвестицияда ташқи иқтисодий фаолият бўйича рақамли экспорт ва импортни ҳуқуқий тартибга солиш асослари ва кафолатларини тақомиллаштириш, бунда электрон савдо, электрон хизмат кўрсатишнинг таъсирчан ҳуқуқий механизмларини амалиётга татиб этиш;

- кичик, ўрта, йирик тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқий мақомини Тадбиркорлик кодексида аниқ белгилаш, қонунчиликда бизнес соҳасининг илмий маслаҳатчиси мақомини кўзда тутиш;

- тадбиркорлик субъектларини давлат томонидан назорат қилишда оммавий ҳуқуқий воситалардан эмас, балки хусусий ҳуқуқий воситаларни оқилона қўллаш;

- хорижий давлатлар тажрибасини инобатга олиб, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиши чекланган мансабдор шахслар рўйхатини қайта кўриб чиқиш;

- Тадбиркорлик кодекси лойиҳасида рақамли бизнес фаолиятини рағбатлантирадиган нормаларни ифода этиш ва ялпи ички маҳсулотда унинг улушини ошириш;

- Тадбиркорлик кодекси лойиҳасида IT компанияларнинг ҳуқуқий мақомини назарда тутиш;

- рақамли иқтисодиётни ривожлантиришнинг Европа комиссияси томонидан баҳоланадиганган I-DESI индекси базавий талабларини тадбиркорлик қонунчилигини кодификациялаштиришда инобатга олиш;

- рақамли бизнесни ривожлантиришда энг муҳим муаммолар, хусусан, кўплаб бизнес корхоналарнинг рақамли иқтисодиётга тайёр эмаслиги;

- бизнес субъектлари стратегик мақсад ва вазифалар моҳиятини тўлиқ ту-

шунмаётгани, амалдаги бизнес моделлар рақамли технологиялар билан уйғунлашмагани, бизнес субъектлари рақамли услубларни баҳолаш ва уни ўзлаштириб олишга тайёр эмаслиги, ички ва ташқи рақамли бизнес майдони ўртасида номуносиблик мавжудлиги, замонавий ахборот-коммуникация технологияларини тўлиқ ўзлаштириб олган бизнес субъектлари корпуси шаклланмагани, рақамли билим ва кўникмаларнинг қониқарсизлиги, бизнесга рақамли хизмат кўрсатувчи инфратузилмалар фаолияти талаб даражасида йўлга қўйилмагани, глобаллашув шароитида ахборот хавфсизлиги тизими мукамал эмаслиги, рақамли бизнес соҳаси кадрлари етишмаслиги, рақамли бизнес таълими ривожланмагани, интернет алоқа тизими қониқарсизлиги, қонунчиликда юқори технологик стартап мақоми назарда тутилмагани, анъанавий бизнес субъектларининг янги ва глобал рақамли моделга трансформациялашувида жуда катта қийинчиликка дуч келинаётгани, рақамли бизнес стратегиясининг узоқ муддатли истиқболлари ишлаб чиқилмагани, Индустрия 4.0 технологик концептини бизнес соҳасига жорий этишнинг йўл харитаси ишлаб чиқилмагани, “рақамли ишлаб чиқариш”дан “рақамли компания”га ўтиш концепцияси яратилмагани, янги маҳсулот (ишлар, хизматлар) рақамли бозорини лойиҳалаштиришда “товар – рақамли технология – миқоз” яхлит занжири мавжуд эмаслиги, бизнес субъектларининг рақамли корхона билан интеграциялашувининг ташкилий-ҳуқуқий механизмлари ишлаб чиқилмагани, бизнесни рағбатлантиришни автоматлаштириш жараёнига ўтишдаги сунъий тўсиқларни бартараф этиш, ишсиз қолиш эҳтимоли бўлган ходимларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш кафолатларини яратиш, Индустрия 4.0 йўлига ўтишда “фан – олий таълим ва самарали илмий тадқиқот институти – ишлаб чиқариш” ягона занжирини (бун-

га фундаментал фан ҳам киради) вужудга келтириш ва ҳ.к.;

– коронавирус пандемияси шароитида рақамли соғлом бизнесни, камбағалликни камайтиришни ҳуқуқий таъминлашга эришиш лозим, буни ҳал қилмаслик инсоният учун жуда катта инқирозга сабаб бўлиши мумкин. Шу боис, иқтисодиётнинг ҳар бир соҳасига оид қонунни қабул қилишда тадбиркорлик омили, камбағалликни камайтириш, ўзини ўзи банд қилишни ҳуқуқий баҳолашга эришиш лозим. Айниқса, тадбиркорлик имкониятларини ҳисобга олиб арзон ишчи кучи четга чиқиб кетишининг олдини олиш, миграция оқимини камайтиришга эришиш орқали инсон манфаатлари нуқтаи назардан ҳуқуқни социаллаштириш зарур. Фуқароларни базавий хизмат кўрсатиш соҳасида тенг ҳуқуқдан, айниқса, тиббиётда фойдаланиши бўйича камситишга йўл қўймасликка тўлиқ эришиш керак;

– озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш соҳасида тадбиркорлик фаолияти субъектларини қўллаб-қувватлашнинг ҳуқуқий механизмларини ишлаб чиқиш, кичик ва ўрта бизнес ва савдо тўғрисидаги қонун ҳужжатларини унификация қилиш лозим. Тарқоқ ва тизимлашмаган тадбиркорлик қонун ҳужжатларини амалиётда қўллашда натижадорликка эришиш жуда қийин. Айниқса, озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва аҳолининг ўсиб бораётган эҳтиёжларини қондиришда давлат-хусусий шериклик имкониятларидан кенг фойдаланиш даркор;

– глобаллашув шароитида минтақавий ривожланиш ва халқаро интеграцияни такомиллаштириш учун халқаро тадбиркорлик фаолиятининг “йўл харита”ларини ишлаб чиқиш устувор вазифадир. Бу эса, ўз навбатида, тадбиркорлик соҳасидаги турли ҳуқуқий тизимдаги давлатлар қонунчилигини оқилона ва мақсадли яқинлаштириш концепциясини ишлаб чиқишни зарурият қилиб қўяди. Тадбиркорлик

субъектларининг суд, нодавлат нотижорат ташкилотлар томонидан ҳимояси бўйича социологик тадқиқот натижаларини инобатга олиб, улар манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини қонунчилик нормаларини такомиллаштириш орқали кучайтириш керак. Айниқса, тегишли туман ва шаҳар ҳокимлари томонидан улар фаолиятига аралашувни қатъий чеклаш зарур;

– тадбиркорлик субъектлари ишлаб чиқарадиган маҳсулотларни рақамли сертификациялаштириш тартиб-таомилларини, талаб қилинадиган ҳужжатларни соддалаштириш, профессионал ваколатга эга бўлмаган мансабдор шахслар жавобгарлигини кучайтириш, ортиқча молиявий чиқимларни қисқартириш лозим;

– тадбиркорлик субъектлари фаолиятига салбий таъсир кўрсатадиган омиллар сирасига географик жойлашув жиҳатдан тегишли инфратузилманинг ривожланмагани (йўллар, маҳсулотларни реализация қилиш пунктлари, алоқа, улгуржи савдо), бозор конъюктураси етишмаслиги, айрим ҳолатларда чегарадан божхона назоратидан ўтишнинг мураккаблиги сақланиб қолаётгани, ҳокимлик ва тегишли ҳудудий органларнинг тадбиркорлик субъектларини етарли қўллаб-қувватламаётгани ва ҳ.к.;

– тадбиркорлик субъектларига хизмат кўрсатиш (логистика, транспорт хизмати, юқори технологик терминаллар мавжуд бўлиши, турли транспорт воситаларида юк ташиш сифатини ошириш ва ҳ.к.)нинг талабга жавоб бермаслиги;

– ҳудудларнинг хусусиятларини инобатга олиб инвестиция фаоллигини юксалтириш, устувор соҳаларда инвестиция лойиҳалари самарадорлигини ошириш, маҳаллий давлат ҳокимиятида инвестиция сиёсатини мувофиқлаштиришда халқаро эксперт хизматларини йўлга қўйиш, ҳар бир ҳудуд кесимида жаҳон ва минтақа иқтисодиётини гармонизация

қилишга қодир экспертлар гуруҳларини шакллантириш ва унинг таркибида илмий маслаҳат кўрсатиш тизимини жорий этишга эришиш лозим. Инвестиция таваккалчилигини камайтириш ва унинг жозибдорлигини оширишнинг ҳуқуқий механизмларини такомиллаштириш зарур. Худудлар кесимида инвестицияни жалб қилган тадбиркорлик субъектлари фаолиятини мунтазам мониторинг қилиш ва мавжуд муаммоларни давлат ҳуқуқий механизмлари орқали ҳал қилиш чораларини кўриб бориш мақсадга мувофиқ.

Тадбиркорлик кодексини ишлаб чиқиш билан боғлиқ илмий-назарий ва норма ижодкорлигининг устувор истиқболлари бўйича хулосалар

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни унификациялаш ва тизимлаштиришда қонун ижодкори қайси шакл ва усулларни қўллаш керак? Бу борада “Рақамли қоидаларнинг” “рақамли ҳуқуқий харитаси” қандай бўлиши лозим? Турли ҳуқуқий тизимдаги давлатларнинг хусусий ва оммавий ҳуқуқ нормаларини кодификациялаштиришда замонавий мезонларнинг “рақамли рецепти” нимага асосланиши зарур? Кодификациялаштиришнинг замонавий доктринаси қандай илмий-назарий методологияга асосланиши керак? Ҳуқуқий тизимни бирхиллаштириш бўйича у ёки бу соҳага оид кодекслар тизими қандай бўлиши мумкин? Кодекс билан соҳага оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ўртасидаги нисбат ва алоқадорлик ҳамда унинг ривожланиш тенденцияларини башорат қилишда қандай мезонларга таяниш лозим? Ҳуқуқда марказлаштирилмаслик, “нима тақиқланмаса, унга рухсат этилади” деган юриспруденциянинг олтин қоидаси асосида “бир ҳуқуқбузарлик учун битта жавобгарлик” тамойилини рўёбга чиқаришнинг асослари нималардан иборат бўлиши керак? Қонун ҳужжатларини кодификация қилишда ҳуқуқий экспертизани қўллашнинг самарадорлиги ва натижадорлигига

эришиш учун қонуний чора-тадбирларни амалга ошириш керак? Қонун ижодкорлиги бўйича кучли ҳуқуқшунослар корпусини шакллантириш ва улар салоҳиятидан оқилона фойдаланиш учун давлат ва жамият аҳамиятига молик қандай қарорларни қабул қилиш зарурияти мавжуд? Бу борадаги хорижий давлатларнинг қонун ижодкорлиги тажрибасини ўрганиш нима беради? Халқаро рақамли иқтисодий глобаллашув шароитида ягона иқтисодий маконда тадбиркорлик ва инвестиция муносабатларини ҳуқуқий тартибга солишни унификация қилиш учун қандай чоралар кўриш талаб этилмоқда?

Бу ва бошқа қатор саволлар қонун ҳужжатларини тизимлаштириш масаласи нақадар мураккаб қонун ижодкорлик фаолияти эканидан далолат беради. Умуман олганда, қонун ижодкорлиги фаолиятида тизимлаштиришнинг самарали ташкилий механизмини ишлаб чиқиш мақсадида миллий қонун ҳужжатларининг умумий ва махсус ҳуқуқий мониторингини ташкил этиш мақсадга мувофиқдир. Стратегик тараққиётнинг ҳозирги даври турли ҳуқуқий тизимдаги давлатлар учун ғоятда адолатли, оқилона манфаатли “рақамли қоидалар” мавжуд бўлишини тақозо этади. Чунки тадбиркорлик ва хусусий мулк соҳасида яратилган норматив-ҳуқуқий ҳужжат базаси хорижий инвесторларни қизиқтирадиган асосий масалалардан ҳисобланди.

Шу мақсадда иқтисодий ҳамкорлик соҳасида хорижий ҳамкорлар билан давлат-хусусий шерикликни амалга ошириш, қонунчилик нормаларини тадрижий ривожлантиришда нафақат миллий тадбиркорлик субъектлари, балки хорижий давлатлар инвесторларининг ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш масаласига алоҳида ҳуқуқий мониторинг объекти сифатида қаралиши лозим. Тадбиркорлик соҳасига оид қонун ҳужжатларини кодификациялаштириш концепциясини ишлаб

чиқишда қайд этилган мезонларга ҳам аҳамият берилиши муҳим. Статистик таҳлиллар натижалари кўрсатаётганидек, тадбиркорлик муносабатларини тартибга солишга оид қонун ҳужжатлари сони кўпайиб бораётгани соҳага оид миллий ҳуқуқий тизимда мақбул тизимлаштириш усулини қўллашни тақозо этади. Тадбиркорликка оид ҳуқуқ нормаларини кодификация қилишнинг мураккаб томони шундаки, у мантиқан қандай умумий ва махсус қисмдан иборат бўлиши, тизимлаштиришнинг шакл ва усулларида моҳирона фойдаланишда “қонун нормаларини такрорланмаслик”, “ҳуқуқ нормасининг тўғридан-тўғри қўлланилиши”, “ҳаволаки нормалар нисбати ва даражаси”, шунингдек, бошқа кўплаб муаммоларни ҳал қилиши лозим.

Кодекслаштириш ҳуқуқнинг кичик институтлари, субинститутлари ва ҳатто энг кичик институтлари доирасида амалга оширилиши ҳам диалектик норма ижодкорликнинг шартидир. Бунда соҳалараро, хусусий ва оммавий-ҳуқуқий, моддий ва процессуал, халқаро хусусий-ҳуқуқий, минтақавий ва халқаро ҳуқуқ нормаларини тизимлаштириш ва унификация қилишнинг концептуал ва методологик тамойилларини ишлаб чиқиш ғоятда муҳимдир. Айниқса, жуда катта ҳажмга эга бўлган норматив-ҳуқуқий базани қўллаш нуқтаи назаридан бундай тизимлаштиришга ёндашиш ўз истиқболга эга. Шу боис савол туғилади – Тадбиркорлик кодексини ишлаб чиқишда шаклланган англо-саксон ҳуқуқий тизими тажрибасиданми ёки, масалан, Бельгия, Украина ва Қозғоғистоннинг иқтисодий, ҳўжалик, тадбиркорлик кодексларни унификация қилиш, яъни кодекслаштириш тажрибасидан фойдаланиш зарурми? Ўзбекистон миллий ҳуқуқий тизимига мос бўлган Тадбиркорлик кодексини ҳар томонлама социологик, экспериментал ва эксперт (шу жумладан, халқаро экспертиза) тасдиқлар асосида, Фуқаролик

ва Тадбиркорлик кодексларини ҳуқуқий тартибга солиш методи ва принциплари нисбатини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқиш кодификациялаштириш чегарасини белгилашда ғоятда муҳим аҳамият касб этади. Бугунги кунда хусусий ва оммавий ҳуқуқни том маънода тушуниш ижтимоий реалликка мос келмайди. Ҳозир хусусий ва оммавий ҳуқуқ нормаларининг ўзаро уйғунлашуви рўй бермоқда [11]. Хитой конституциявий ҳуқуқи ҳам ўзида оммавий ва хусусий ҳуқуқий элементларни мужассамлаштирган.

Тадбиркорлик кодексини қабул қилиш зарурияти тадбиркорлик қонун ҳужжатларини тизимли ривожлантиришнинг ягона концессияси мавжуд эмаслиги, қонуности ҳужжатлар ҳаддан ташқари кўплиги ва зиддиятли нормалар борлиги, рақамли тадбиркорлик фаолиятини ҳуқуқий тартибга солишга оид нормаларнинг тизимли мазмунга эга эмаслиги, тадбиркорлик фаолиятига оид қонунчиликка нисбатан ҳуқуқни қўллаш амалиётининг жадал ривожлантирилаётгани, жуда катта ҳажмдаги норматив-ҳуқуқий массивнинг ижро мониторингини амалга оширишнинг мураккаблиги, тадбиркорлик фаолиятининг кичик институтларига оид норматив-ҳуқуқий бўшлиқнинг мавжудлиги, соҳага оид оммавий-ҳуқуқий нормаларнинг маъмурий тартиб-таомилларга оид ҳуқуқий механизмларини амалиётда қўллаш даражаси заифлиги, эркин тадбиркорлик фаолияти принципларини рўёбга чиқаришда айрим маъмурий тўсиқлар ва ҳанузгача қоғозбозликка йўл қўйилаётгани, тадбиркорлик фаолиятида ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш даражаси талабга жавоб бермаётгани, тадбиркорлик субъектларига юридик хизмат кўрсатиш самарали ташкил этилмагани, бизнес тузилмаларига рақамли давлат хизмати кўрсатишда унинг барча соҳалари қамраб олинмагани, рақамли иқтисодиёт шароитида бизнес юритиш билим ва кўникма-

ларининг замон талабларига жавоб бермаслиги, рақамли тадбиркорлик таъмининг етарли ривожланмагани кабилар билан изоҳланади.

Фуқаролик қонун ҳужжатлари тадбиркорлик фаолиятининг барча жиҳатларини ҳуқуқий таъминлашни қамраб олиши жуда қийин. Шу боис, тадбиркорлик фаолиятини ҳуқуқий тартибга солишнинг замонавий тенденцияларини инобатга олиб Тадбиркорлик кодексини ишлаб чиқиш ва унинг келгусида соҳага норматив-ҳуқуқий базани шакллантиришда Фуқаролик кодекси билан бир қаторда базавий асос бўлиб хизмат қилишига эришиш лозим. Гарчи устувор ва базавий юқори юридик кучга эга бўлган ҳужжат Фуқаролик кодекси бўлса-да, бугунги ҳуқуқий тартибга солиш реаллиги шароитида Тадбиркорлик кодекси махсус ҳуқуқий тартибга солиш асосларини ўзида мужассамлаштирмоғи керак. Бу кодекс ҳам пандект тизимида асосланган ҳолда умумий ва махсус қисмлардан иборат бўлмоғи даркор. Таъкидлаш керакки, агар Тадбиркорлик кодексининг ўзида махсус истиснолар бўлмаса, Фуқаролик кодекси нормалари тадбиркорлик муносабатларига ҳеч бир истисносиз қўлланилади. Улар ўртасидаги нисбат ақлли ҳуқуқий тартибга солишнинг элементларини ўзида мужассамлаштирмоғи лозим. Агар илгари иқтисодий соҳада давлатнинг ҳуқуқий тартибга солиш механизми кенг қўлланилган бўлса, эндиликда бошқарувда давлат ва хусусий элементлар мужассамлашуви рўй бермоқда.

Айниқса, давлат-хусусий шериклик ҳуқуқий асосларининг шаклланиши оммавий ва хусусий ҳуқуқ нормаларининг ўзаро уйғунлашувини юзага келтирмоқда. Хусусий ва оммавий ҳуқуқ нормалари қонунчилик тизимида ўзининг комплекс ифодасини топаётгани тадбиркорлик муносабатларини ҳуқуқий тартибга солишга оид нормаларни тизимлаштириш мақсадида уни кодификациялаштиришни тақо-

зо этади. Ҳозирги вақтда тадбиркорлик фаолиятига оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тизимида қонун ва қонуности ҳужжатлари етарли ўрин тутаётган бўлса-да, соҳага оид норматив-ҳуқуқий базани ички тизимлаштириш кодекслаштириш шаклида амалга оширилиши уни қўллаш самарадорлиги ортишига хизмат қилади. Тадбиркорлик кодекси Фуқаролик кодекси нормаларини амалиётда қўллашда ҳам муҳим асос ҳисобланади. Тадбиркорлик фаолиятини оқилона ҳуқуқий тартибга солишда Фуқаролик ва Тадбиркорлик кодексларининг ўрни ортиши билан бирга, тадбиркорлик фаолиятида кодекслаштирган шаклдаги норматив-ҳуқуқий базани қўллаш имконияти янада кенгаяди. Энг муҳими, Тадбиркорлик кодекси нормалари Фуқаролик кодекси нормаларини такрорламаслиги ва зиддиятли қоидалар бўлмаслигига эришиш лозим. Бу эса қонун ижодкорлиги фаолиятида ҳуқуқий тартибга солиш воситаларидан ўта моҳирона ва оқилона фойдаланишни тақозо этади.

Тадбиркорлик кодекси қабул қилинган тақдирда Фуқаролик кодексидаги айрим нормаларни Тадбиркорлик кодексида ифода этиш масаласини муҳокама этиш ҳам керак. Ушбу кодексни ишлаб чиқишда Фуқаролик кодексига хос бўлмаган бевоcита хусусий-оммавий тусдаги нормаларни Тадбиркорлик кодексида ифодалаш масаласини ҳам кўриб чиқиш лозим (масалан, тадбиркорлик фаолиятини рўйхатдан ўтказиш, лицензиялаш, давлат буюртмаси ва ҳ.к.). Бошқача айтганда, ўзаро параллел белгиланадиган нормаларни ҳуқуқий муносабатнинг туси ва хусусиятига қараб Фуқаролик ёки Тадбиркорлик кодексида белгилаш масаласига чуқур илмий-методологик асос ва илғор хорижий тажрибага мувофиқ ҳолда аниқлик киритиш жоиз.

Ушбу ўринда хусусий ҳуқуқ дуализми назариясини тадбиркорлик қонун ҳужжатларини кодификация қилишда объектив ҳақиқат тамойилларига мос келиши

ёки келмаслиги нуқтаи назаридан илмий баҳолаш тақозо этилади. Тадбиркорлик кодексининг қабул қилиниши ҳеч қандай ҳуқуқ дуализмини вужудга келтирмайди. Қолаверса, хусусий ҳуқуқ соҳасида Оила кодекси ва Уй-жой кодекси амалиётда қўлланилаётгани бундай дуализм ҳақида гапириш асосга эга эмаслигини кўрсатмоқда.

Сўнгги йилларда халқаро хусусий ҳуқуқнинг замонавий нормалари кодификациялаштирилиши ўз афзалликларига эгаллиги яққол кўринмоқда. Тадбиркорлик кодекси лойиҳасини ишлаб чиқишда Фуқаролик кодексининг қайси нормаларини ҳуқуқий тартибга солиш предмети ва методидан келиб чиқиб, уларнинг ўзаро нисбатини аниқлаш бўйича концептуал асосларни белгилаб олиш лозим. Бу жуда мураккаб бўлса-да, илмий ҳаққонийлик ва ақлли тартибга солишнинг универсаллиги, ягоналиги ва ўзаро мутаносиблиги нуқтаи назаридан тадбиркорлик қонун ҳужжатларини тизимлаштиришнинг энг илғор тажрибасидан фойдаланиш зарур. Шу мақсадда унинг мақбул тузилишини муҳокама қилиш, замонавий ёндашувларнинг мақбул ечимини топиш кутилган натижага эришишда муҳим аҳамият касб этади. Тадбиркорлик соҳасида янги норма ва институтларнинг вужудга келишини ҳам назарда тутиш лозим. Энг муҳими, бу борадаги ҳуқуқий бўшлиқни тўлдириш учун махсус норма ижодкорлигини амалга ошириш истиқболли вазифадир. Илмий-амалий ва тизимли таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, Тадбиркорлик кодексини ишлаб чиқиш жуда катта ташкилий-ҳуқуқий чораларни кўришни тақозо этади.

Тадбиркорлик қонун ҳужжатларини тизимлаштириш омилларини қуйидаги асосларга кўра тавсифлаш мумкин. Биринчиси, тадбиркорлик қонун ҳужжатларининг доимий ривожланиш тусига эга экани ва бизнес ҳамжамиятнинг ундан ман-

фаатдорлиги. Иккинчиси, рақамли иқтисодиётни тартибга солишда тадбиркорлик фаолияти устувор йўналиш касб этиши. Учинчиси, давлатнинг стратегик ҳуқуқий сиёсатида муҳим ўрин тутиши. Тўртинчиси, тараққиётнинг янги босқичларида тадбиркорлик қонунчилиги тизимидаги зиддиятли нормаларнинг олдини олиш, тадбиркорлик субъектларига ҳуқуқий жиҳатдан кенг эркинлик беришни такомиллаштиришга эҳтиёжнинг мавжудлиги. Бешинчиси, тадбиркорлик фаолиятида рақамли реаллик шароитида мунтазам мос равишда мутаносиб нормаларни белгилаш талаб этилади ва ҳ.к.

Тадбиркорлик қонун ҳужжатларини кодификациялаштириш, ўз функцияси ва моҳиятига кўра, давлат органларининг функционал ва норматив ҳуқуқий ҳужжатларни шакли ва мазмуни бўйича, сон ва сифат жиҳатидан катта илмий норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг барқарорлик даражасини тубдан оширишга йўналтирилган (ягона, мантиқан, соҳавий жиҳатдан яхлит, ўзаро келишилган) тизимлаштириш фаолиятидир.

Кодификациялаш турлари инкорпорациялаштирилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ўзида мужассамлаштириш белги ва хусусиятларига кўра умумий кодификация (қонун ҳужжатларининг барча асосий соҳаларига оид кодификациялаштириш норматив-ҳуқуқий ҳужжатни қабул қилиш билан якунланади), соҳавий кодификация (қонун ҳужжатларининг тегишли соҳасини қамраб олади), махсус кодификация (қонун ҳужжатларининг тегишли институтларини тартибга солади), шунингдек, соҳалараро кодификацияга (бунда махсус ва процессуал ҳуқуқ нормалари битта ҳужжатда инкорпорациялаштирилган бўлади) бўлинади. Тадбиркорлик кодекси соҳавий инкорпорациялаштирилган ҳужжатдир.

## REFERENCES

1. Belyh V.S. Sistematizatsiya zakonodatel'stva: ponyatie, vidy, funktsii [Systematization of legislation: concept, types, functions]. Available at: <http://scicenter.online/>.
2. Mirziyoev Sh. O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoevning Oliy Mazhlisga Murozhaatnomasi [Address of the President of the Republic of Uzbekistan Shavkat Mirziyoyev to the Oliy Majlis]. Tashkent, NMIU Uzbekistan, 2019, pp. 12-13.
3. Bykov A.G. Cifrovaya ekonomika i budushchie zolotogo standarta. Ocherki po istorii mirovoj cifrovoj ekonomiki [The digital economy and the future of the gold standard. Essays on the history of the global digital economy]. Moscow, Prospect LLC, 2019.
4. Habrieva T.Ya. Pravo v usloviyah cifrovoe real'nosti [Law in digital reality]. Journal of Russian Law, 2018, no. 1, 88 p.
5. Shonazarov U. Uzbekistan – Germaniya: opyt, sotrudnichestvo i perspektivy razvitiya. [Uzbekistan – Germany: experience, cooperation and development prospects]. Available at: <http://uza.uz/ru/world/uzbekistan-germaniya-opyt-sotrudnichestvo-i-perspektivy-razv-21-01-2019/>.
6. Barabash I. Pravila elektronnoj kommercii v Germanii [Rules of electronic commerce in Germany] Sbornik statej o prave Germanii – Collection of articles on German law, no. 1 pp. 185-187. Available at: [www.drjv.org/](http://www.drjv.org/).
7. 312f Abs. 3 GGU (BGB). Available at: : [www.gesetze-im-internet.de/bgb/312.html/](http://www.gesetze-im-internet.de/bgb/312.html/).
8. Kanyazov E., Azizov A. Ajrim horizhij davlatlarning tadbirkorlik (savdo, tizhorat) faoliyatini tartibga soluvchi konunchilikning tahlili. O'zbekistonda tadbirkorlik konunchiligini rivozhlantirish istikbollari [Analysis of the legislation governing the business (trade, commerce) of some foreign countries]. Tashkent, TDYU, 2017, pp. 120-160.
9. Belikova K.M. Pravovoe regulirovanie torgovogo oborota i kodifikatsiya chastnogo prava v stranah Latinskoj Ameriki. Avtoref. dis. dokt. yurid. nauk [Legal regulation of trade and codification of private law in Latin America]. Moscow, 2012.
10. Demarsen B. Malen'kaya, no gordaya Bel'giya, Novyj ekonomicheskij kodeks i ego sootnoshenie s grazhdanskim i torgovym pravom [Small but proud Belgium, New Economic Code and its relationship with civil and commercial law]. Vestnik grazhdanskogo prava – Bulletin of Civil Law, 2017, Tashkent, pp. 230-267.
11. Zinchenko S.A. Predprinimatel'skoe pravo v chastno-publichnom grazhdanskom prave v sovremennoj Rossii (doktrina, zakonadatel'stvo pravo primenenie) [Business law in private-public civil law in modern Russia (doctrine, legislation, enforcement)]. Severo-Kavkazskij yuridicheskij vestnik – North Caucasian legal bulletin, 2015, no. 1, pp. 32-43.
12. Shishkanov V.A. Problemy kodifikatsii rossijskogo predprinimatel'skogo prava [Problems of codification of Russian business law]. Sibirskij yuridicheskij vesnik – Siberian Legal Bulletin, 2004, no. 1, pp. 47-53.
13. Gubin E.P. Razmyshleniya o predprinimatel'skom kodekse? Sovremennyy vzglyad. Tvorcheskoe nasledie akademika V.V. Lanteva i sovremennost' [Reflections on the Business Code? Modern view. Creative heritage of academician V.V. Lanteva and modernity]. Moscow, 2014, pp. 63-76.